

ЖИЗЗАХ ШАҲРИННИНГ МАДАНИЙ ҚИЁФАСИДАГИ УЛКАН

ЎЗГАРИШЛАР ХУСУСИДА

Ўролова Феруза

ЖДПИ I-босқич магистранти

**ON THE GREAT CHANGES IN THE CULTURAL APPEARANCE OF THE CITY
OF JIZAK**

Urolova Feruza

First- Year Master's Student of JDPI

Мустақиллик йилларида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида асрларга тенг бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, кўз ўнгимизда рўй бераётган бу янгилик ва ўзгаришларга кўнишиб қолдик. Юртимизда кечаётган бу каби оламшумул воқеалар айниқса ўзгаларда хавас уйғотмоқда. Ўзбекистонга келиб-кетиб юрадиган хорижлик сайёҳлар аввал кўрганлари билан қиёслаб, тарихан қисқа даврда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари қўламидан ҳайратини яшира олмаяптилар, бу юртга, бу муқаддас заминда яшаётган одамларга ҳаваси келишини барадла айтадилар.

Тарихнинг не-не сир-синоатини ўз бошидан кечирган, кўплаб улуғ инсонларга бешик, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк зотларга кўналға бўлган Жиззах, гарчи 1974 йилда янги ташкил этилган вилоятнинг марказига айлантирилган бўлса-да, расман одамлар назарида ҳам иккинчи тоифа шаҳар хисобланарди. Буни шаҳарнинг биргина марказий кўчадан иборат бўлганидан ҳам кўриш мумкин эди. Ўша пайтларда ушбу кўчанинг марказий қисмида жойлашган маъмурий идоралар, вилоят театри, Жиззах давлат педагогика институти биноларидан бошқа кўзга кўринарли иншоот ҳам, одамлар дам оладиган бирорта замонавий хиёбон ҳам бўлмаган. Айниқса, транспорт қатнови, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси, хизматлар замон талабларидан анча орқада қолиб кетган эди. Бир сўз билан айтганда, бутун бошли бир вилоят марказида кўп йиллар давомида ўзгаришлар сезилмас эди. Табиийки, шунга монанд туманлар, маҳаллалар, кўчалар қиёфаси ҳам кўримсиз эди. [4, 97]

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида вилоятни, жумладан, Жиззах шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, одамларга муносаб турмуш шароити яратиш бўйича кенг кўламли ишларга амалга оширилди. Марказий кўча бўйлаб барпо этилган Жиззах санъат коллежи, олимпия захиралари мактабининг янги бинолари, “Ёшлар шаҳарчаси” ва “Ўрда” ёшлар экологик боғи, турли маъмурий, маданий, савдо ва хизмат кўрсатиш, дам олиш мажмуалари шаҳарга янги давр рухини олиб кирди. Таълим ва тиббиёт муассасалари, маъмурий иншоотлар барпо этиш баробарида одамлар яхши дам олиб,

бўш вақтини мазмунли ўтказадигин маданият ва истироҳат масканлари қурилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Собиқ шўролар даврида қурилган ва худуд атмосферасига катта зарар етказган оҳак заводи шаҳар ташқарисига кўчирилиб, унинг ўрнида ям-яшил боғлар, турфа гулзорлар ташкил этилди.

Худуддаги ташландик ерлар ўзлаштирилиб, “Наврўзбулօк” болалар боғи барпо этилди. Ўтган йиллар мобайнида тўрт гектар майдонда “Кексалар боғи” дам олиш маскани қурилди. “Истиқлол” болалар боғи, Ҳамид Олимжон хиёбонида ҳам катта ҳажмда қурилиш-реконструкция ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилдии. “Ором” фавворалар мажмуаси, “Боғишамол”, “Сангзорқўл” дам олиш масканлари, “Истиқлол” болалар боғи, “Форум” мажмуаси, Мустақиллик майдонидаги фавворалар хиёбони шаҳхарликлар ва меҳмонлар сайд қиласидан, мириқиб дам оладиган хушманзара жойларга айлантирилди. Умумий майдони 65,8 гектар бўлган “Ёшлар шаҳарчаси”даги “Ёшлар сайилгоҳи”, “Ёшлар боғи”, “Ёшлар маркази” доимо талаба-ёшлар билан гавжум. Худди шундай иншоотлар “Ўрда” ёшлар экологик боғида ҳам барпо этилганлигини шу ўринда таъкидлашимиз лозим.

Умумхалқ байрами ва сайиллар ўтказиш ҳамда дам олишга мўлжалланиб, замонавий ва миллий меъморчилик анъналари асосида қурилган бу соя-салқин гўшаларни Жizzахнинг ўзига хос ташриф белгиси дейиш мумкин. Айниқса, бу мажмуалар ичидаги бир-биридан гўзал фавворалар, хиёбонлар бетакрорлиги билан кишини ўзига мафтун этади.

Кейинги йилларда Навоий ва Мустақиллик кўчалари оралиғида барпо этилган Истироҳат боғи шаҳарнинг диққатга сазовор жойларидан бирига айланди. Сувни камалакнинг етти рангига 25 метр баландликка пуркаётган мусиқали фавворалар, болалар учун турли ўйин майдончалари, аттракционлар, савдо ва хизмат кўрсатиш шахобчалари билан барпо этилган ушбу боғда юртдошларимизнинг мириқиб ҳордик чиқаришларни учун барча шароитлар муҳайё. Кейинги икки йилда шаҳарда 17 янги хиёбон барпо этилди. Истироҳат боғлари, сайилгоҳлардан ташқари, тўй-тантаналар, турли маросимлар ўтказишга мўлжаллаб қурилган тўйхона, қаҳвахона ва бошқа иншоотларнинг ҳаммасини санаб чиқиш қийин. Тўй ва байрамларда сервис усулида хизмат кўрсатадиган бундай жойларнинг кўпайиши шаҳар аҳолисига катта қулайлик яратмоқда [5, 166].

“Ким эдигу, ким бўлдик, деган савол қўйилса, аввало она шаҳрим Жizzахнинг мустақилликдан аввалги кўримсиз қиёфаси ва бугунги кўркам жамоли кўз олдимга келади”, -дейди меҳнат фахрийси, 82 ёшли отаҳон Абдулла Қаршибоев. Илгарилари бирор меҳмон келса, шаҳарда тузукроқ дам олиш маскани бўлмаганлигидан хижолат тортар эдик. Мақтанишга арзигулик тайинли иншоот йўқ эди, гарчи шаҳар деган номи бўлса-да. Бугун эса бутунлай бошқа манзара. Ҳаёт нашидасин суриб яшаш учун барча шароитлар муҳайё. Муҳтарам Президентимиз бошчилигига амалга оширилаётган улкан

бунёдкорлик ва ободончилик ишлари туфайли шахримиз гўё яшариб-яшнаб кетди. Лўнда қилиб айтганда, собиқ тузум даврида ҳудудидан темир йўл ўтгани учунгина шаҳарлар сонида бўлган Жиззах истиқлол йилларида юртимизнинг йирик иқтисодий, маданий ва маънавий марказларидан бирига айланди.

Истиқлол йилларида шаҳар марказидаги Мустақиллик кўчаси 50 метргача кенгайтирилиб, пастқам ва кўримсиз бинолар ўрнида 34 та кўп қаватли кўркам уйжойлар қад ростлади. Алишер Навоий кўчасидаги собиқ “Сўғдиёна” стадиони ўрнида йирик спорт мажмуаси барпо этилди. 10 минг томошабинга мўлжалланган замонавий футбол майдонига эга мажмуанинг барпо этилиши болалар спорти ривожида ҳам муҳим аҳамият касб этаётир. Шаҳардаги учта йирик бозорда қайта қуриш ва реконструкция ишларининг амалга оширилиши сотувчи ва харидорлар учун қулай шароитларни яратилишига замин бўлди.

Шаҳарнинг темирийўл станцияси ёнидаги қадими “Кўк бозор” ўрнида очиқ аксиядорлик жамияти шаклидаги янги “Марказий дехқон бозори” барпо этилди. Бозорнинг 5 минг 400 квадрат метр савдо майдонига эга бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари павилонида 1 минг 152 савдо ўрни ташкил этилди. “Эски шаҳар дехқон бозори” ва “Эски шаҳар буюм бозори”да ҳам кенг қўламли ўзгаришлар амалга оширилди. Ҳар икки бозорни қадими Шарқ ва замонавий савдо маданияти талаблари асосида қайта қуриш асносида бу ердаги савдо расталари, дўконларнинг сотувчи ва харидорларга ҳар томонлама қулай бўлиши, санитария-гигена, техник, хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб бериши кўзда тутилди. Мустақиллик йилларида барпо этилган бозорлар факат савдо мажмуаси эмас, шаҳар ободлиги, халқимиз фаровонлигининг кўзгусига айланди.

Миллат, мамлакат тарихида юз берган воқеа-ҳодисалар моҳияти, истеъододли шахсларнинг миллий ривожланиш ишига қўшган ҳиссаси йиллар, асрлар ўтган сари яққолроқ намоён бўлаверади [7].

Ўтмиш тарих чин маънодаги сабоқлардан иборат. Бу сабоқлар миллатни шакллантиради, тарбиялайди, улуғ аждодларимизнинг маънавий, илмий ва диний мероси хотирамизда қайта жонланиб, онгу шууримизга сингиб боради. Бу мерс эл-юртни янги юксакликларга кўтаради.

Бизга маълумки, бутун республикамида атоқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидовнинг 100 йиллик юбилейини нишонлашга катта тайёргарлик кўрилди. Вилоят марказида Шароф Рашидов хиёбони янгидан барпо этилди, 3 гектардан зиёд майдон кўкаламзорлаштирилди. Худудга Бельгиядан келтирилган тоғ қарағайи, қорақайин, лола дарахти каби 20 дан ортиқ дарахт турлари экилди. Диаметри 24 метр бўлган рангли фаввора қурилди. Хиёбон тўридаги “Ўзбекистон” меҳмонхонаси ҳам янгидан реконструкция қилинди. Унинг икки томонида жойлашган “Бўстон” ва “Наврўз”

мажмуалари тўла таъмирланиб, йирик анжуманлар ўtkазиш учун қулай шароитлар яратилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Жizzах вилоятига ўз ташрифи давомида халқимизнинг севимли шоирлари Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг адабий меросини кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш, уларнинг асарларидағи эзгу ғоялар моҳиятини ёшларга етказиш лозимлигини алоҳида таъкидлаган эди. Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган Ҳамид Олимжон ва Зулфия хиёбони, икки шоир номи билан аталувчи Ўзбек тили ва адабиётини чуқур ўқитишига ихтисослаштирилган мактаб-интернат хамда музей халқимизнинг ардоқли фарзандларига кўрсатилган улкан эхтиром намунаси бўлди [6].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги “Жizzах шаҳрида Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишига ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этиш тўғрисида”ги қарори билан мазкур мактаб-интернат учун 4 қаватли бино қуриб битказилди. Бу ерда яратилган замонавий шароитлар, фаоллар зали ўқувчиларни ҳар томонлама муносиб таълим олишига хизмат қилмоқда.

Жizzах шаҳридаги тарихий Хўжа Нуриддин мадрасасида ўзбек адабиётининг атоқли намоёндалари Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг адабий меросини кенг тарғиб қилиш мақсадида музей ташкил этилди. Бунинг учун мадраса биноси тубдан таъмирланиб, олдинги тарихий қўриниши тикланди. Мадрасанинг гумбаз қисми сирланган кошин билан қопланди.

Хуроса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида Жizzах шаҳрида кенг-кўламда бунёдкорлик ва обондончилик ишлари олиб борилмоқда. Бу қурилиш ишлари нафақат шаҳар чиройига, балки ҳудуд аҳолисининг муносиб ҳордик чиқаришига ҳам замин яратмоқда.

Истиқлол йилларида кечган умримизга, эришган ютукларимизга танқидий кўз ташлаб, хато-камчиликларни холисона таҳлилдан ўтказиб, халқимизнинг салоҳияти ва имкониятларини чамалаб, ғайрат-шижоатга тўла ёшларимизга таяниб, келгуси беш йиллик учун ҳаракатлар стратегиясини қабул қилганимиз, халқни тинглаш, унинг ичida бўлиш, муаммоларни ҳал қилиш давлат идораларининг бирламчи вазифасига айлангани Ўзбекистонда, хусусан Жizzах вилоятида янги уйғониш фасли куртак ёзаётгани, мева тугаётганидан далолатdir.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатый тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятнинг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент. 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Т.: “Ўзбекистон”, 2017.

-
- 3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда бирпо этамиз. Т.: “Ўзбекистон”, 2016.
 - 4. Ахмедов Э.А. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. Тошкент. 2002.
 - 5. Абирқұлов Қ. Иқтисодий география. Тошкент. 2004.
 - 6. www.industurionjizzax.uz
 - 7. Қозоқов Э., Худойбердиев Т. Чаман ичинда бир гул. Т.: “Шарқ”, 2020.